# Ishonch

*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

2021 йил
**22 апрель**
пайшанба
**№ 54 (4494)**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz


## Кун нафаси

Президент **«Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**га фармонга имзо чекди.

* * *

Мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги элчихонаси иштирокида «Southwest Seoul Global Center» хорижий фуқароларни қўллаб-қувватлаш марказі, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Квангжу шаҳридаги ваколатхонаси ва Жанубий Кореядаги ўзбекистонликлар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик бўйича уч томонлама **Англашув меморандуми имзоланди.**

* * *

Британиянинг Cable.co.uk портали дунёдаги мобиль интернет нархларини тўғрисидаги маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, **Ўзбекистон 230 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади.**

* * *

Фарғона вилояти ҳокимлигида Жанубий Кореянинг энг йирик иншоот – «Hanshin Engineering & Construction» компанияси ижрочи директори **Чой Мун Кю ҳамда** Корея-Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси раҳбари **Эдвард Ким билан учрашув** бўлиб ўтди.

* * *

**Наманган** шаҳридаги «ANAMED» диагностика марказида эҳтиёжманд аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларда учрайдиган айрим касалликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида Ҳиндистондан таклиф этилган тажрибали шифокор, Деҳли шаҳридаги «Fortis» тиббиёт клиникаси онкологи **Мандип Синг Малхотра томонидан** сут бези саратони касаллигига чалинган аёллар учун **бепул чуқурлаштирилган текширув** ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон ўқ отиш спорти федерацияси спортчилари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган **«Олтин-Мерган» халқаро турнирдан 8 та медал** билан қайтди.

* * *

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли академик лицейлар ўқувчилари ўртасида **«Жалолиддин Мангуберди авлодлари» спартакиадаси** бошланди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

**1092 –**

**қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га**

**меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!**







## Аёллар дафтарин варақлаганда...

2



## Ургутда ЕР, Қўшработда ТАДБИРКОР танқис...(ми?)

2

## Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

**12-11**

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



*Фарғона вилояти* | **Ички туризм**

## Саёҳат қилиб, завқ ол

«Фарғона кимё заводи» МЧЖ маъмурияти ишчи-ходимларни қандай хурсанд қилишни яхши билади. Бу масалада касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорлик ўз самарасини бераётир. Хусусан, ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб бориш одат тусига айланган.

Навбатдаги саёҳат Фарғона вилояти бўйлаб уюштирилди. Саёҳатчилар даставвал Қўқон шаҳрида бўлиб, XIX асрнинг муаззам ва муҳташам обидаларидан саналмиш Худоёрхон ўрдаси тарихи билан яқиндан танишишди. Сўнгра кулолчилик санъати билан донг таратган Риштон туmани ва вилоятдаги диққатга сазовор масканларга ташриф буюришди.

**Наргизахон КАРИМОВА,**
«Фарғона кимё заводи» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

## Эҳтиром намунаси

«Аёллар дафтари»га киритилган 15 нафар сўхлик хотин-қиз Хоразм вилоятига тўрт кунлик саёҳатга олиб борилди. Улар Урганч ва Хива шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, олам-олам завқ олишди.

– Ўйлаб қарасам, бирор марта саёҳатга бормаган эканман, – дейди Дилрабо Исматова. – Саёҳат давомида кўплаб тарихий обидаларда бўлдик. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдик. Ажойиб саёҳатни ташкил этиб, кўнглимизни тоғдек кўтарган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раҳбариятига катта-катта раҳмат айтаман. Уларнинг шарофати билан шундай имкониятга эга бўлдим.

Албатта, бу каби эътибор аёлларимиз, хотин-қизларимизга бўлган юксак эҳтиром нишонасидир.

**Ўз мухбиримиз**

*Тошкент вилояти*

## Тарих жонланди

«Ангрен ИЭС» АЖ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ишчи-ходимларнинг 50 нафари қадимий Шаҳрисабз ва кўҳна Самарқанд шаҳарларида бўлдилар.

Саёҳатнинг мазмунли ўтишида, тарихий обидалар ва уларнинг қурилиши билан боғлиқ маълумотларни самарқандлик гид Фурқат Исматов муфассал ва атрофлича тушунтиргани боис сайёҳлар ҳис-ҳаяжонга тўла онларни бошдан кечиргандек бўлдилар.

**Я.АГЗАМОВА,**
«Ангрен ИЭС» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

**Холис нигоҳ**

# ЙЎЛ ҚУРИЛИШИНИНГ НЕЧТА ЭГАСИ БОР?

**Куни кеча Миллий матбуот марказида Автомобиль йўллари қўмитаси мутасаддилари билан учрашув бўлиб ўтди. Одатдагидек мақтанишга мойил ҳисобот маърузадан сўнг уларга саволлар билан юзландик. Мана улардан бири:**




– Айни пайтда Чиноз тумани «Яллама» кўпригидаги ва Сирдарё вилоятининг катта Ўзбек тракти йўлидаги кўприклар таъмири нега кечикмоқда?

Автомобиль йўллари қўмитаси хузуридаги Умумфойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш-реконструкция қилиш дирекцияси бош муҳандиси Дилмурод Исаевнинг айтишича, «Яллама» ва Сирдарё кўпригидаги қурилиш-монтаж ишлари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли 67-махсус отрядга топширилган. Бу ишга Автомобиль йўллари қўмитасининг алоқаси йўқ. Яъни ушбу кўприкларда бўлаётган тирбандлик ва ноқулайликларга «Ўзбекистон темир йўллари» жавобгар...

Иккинчи савол: пойтахтимизнинг Юнусобод тумани марказ билан боғлайдиган йўлда бот-бот таъмирлаш ишлари олиб борилиши, ҳар йили баҳор фасли арафасида йўллардаги «яма»ларни тўлдириш мақсадида давлат бюджетидан маълум миқдорда маблағ ажратилиши қанчалик тўғри?

Дилмурод Исаевнинг жавобига кўра, Юнусобод туманидаги ҳолатга шаҳар ҳокимлиги масъул. Чунки пойтахтдаги барча ички ва ташқи йўлларни қуриш-реконструкция қилиш билан айнан шаҳар ҳокимлиги шуғулланади. Йўллар бир йилга борар-бормас ярокcиз аҳволга келиши, ўйдим-чуқур «яма»лар пайдо бўлишига эса сифатнинг алоқаси йўқ. Чунки Автойўл қўмитаси қурган йўллар камида 16 йилгача хизмат қилиши керак. Ортиқча ёнгарчилик ва оғир юк ташишга мўлжалланган транспорт воситалари йўлларни яроқсиз аҳволга солмоқда...

Бир сўз билан айтганда, саволларга тўлиқ жавоб берилмади.

Шаҳардаги йўлларга, Сирдарё ва «Яллама»даги кўприк қурилишига қўмитанинг алоқаси йўқ ҳам бўлсин. Аммо улар 16 йилга мўлжаллаб қураётган «сифатли» йўллар ёнгарчилик ва юк транспорт воситалари туфайли яроқсиз аҳволга келиб қолаётганига қандай ишониш мумкин?

Яна бош қашишга тўғри келади. Қўмита фақат хорижий аҳамиятга эга магистрал йўлларга жавоб берар экан, бу борадаги ҳолат ҳам мақтангулик эмас-да. Ижтимоий тармоқларда тарқалган хориҷлик ҳайдовчиларнинг шикоятли видеолари бунинг исботи эмасми?

Хуллас... Тадбир давомида хаёлдан ўтгани шу бўлди: гап кўп, иш кам.

Ўйлаб қоласан киши, кўпроқ ҳисобот учун ташкил қилинаётган тадбирлар кимга керак?

Тадбирга савол билан бориб, саволлар билан қайтдик. Хулосани балки мутасаддилар айтар...



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
«ISHONCH»



# ПАНДЕМИЯ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

*ёхуд коронавирус тарқалишига барҳам бериш қандай чораларга боғлиқ?*

«Икки нарса борки, одамлар унинг қадрига кўп ҳам етавермайдилар. Бири саломатлик бўлса, иккинчиси вақтдир».

Бугун инсоният ушбу таълимотнинг нақадар тўғри эканини дунё бўйлаб бир йилдан ортиқ вақт давом этаётган «COVID-19» пандемияси билан боғлиқ вазият туфайли янада теран англамоқда.

3

*Қашқадарё вилояти*

Ишчи гуруҳ фаолияти

# «РЎЗҒОРИМИЗГА БАРАКА КИРМОҚДА»

**Яккабоғ тумани Ибн Сино номли маҳаллада яшовчи Нилуфар Юсупованинг икки нафар фарзанди бор. Тўнғич ўғли Суннатилло Абдуазимов нуқсон билан туғилган. Оила бошлиғи ва бекаси бир неча йилки, шифохонама-шифохона юриб, боласининг дардига дармон излайди.**

– Ўғлим бу йил олти ёшга киради, – дейди она. – Айни пайтда отаси иккиси Тошкентда. Фарзандимизнинг суннат аъзосида нуқсони бор. Шифокорлар бундай беморларни 5-6 ёшида операция қилиб, даволашар экан. Аммо оилавий шароитимиз унчалик яхши эмас. Ишчи гуруҳ оилавий аҳволимизни ўргангач, менга тикув машинаси тақдим этилди.

– Маҳалламиздан 98 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилди, – дейди МФЙ раиси ўринбосари Моҳира Жалилова. – Ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар билан суҳбатлар ўтказиб, уларнинг имкон қадар бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, Садоқат Аббосова 19-сонли мактабгача таълим ташкилотига ишга кирди. Яна уч нафар аёл ободонлаштириш бўйича жамоат ишига жалб этилди. 14 нафар аёлга парранда, «Аёллар дафтари»га кирган икки нафар ва «Ёшлар дафтари»да қайд этилган бир аёлга тикув машинаси берилди. Саккиз нафар хотин-қиз касб-ҳунар мактабида тикувчилик йўналишида таҳсил олмоқда...

Хонақа туман марказидан анча узоқда, тоғли ҳудудда жойлашган қишлоқ. Бу ҳудудда яшовчи Ҳулкар Оғаеванинг тўнғич фарзанди ногирон, юролмайди. Опанинг турмуш ўртоғи вафот этган.

– Юролмайдиган қизимга парвона бўлиб, икки боламни ёлғиз катта қиляпман, – дейди Ҳулкар опа. – Қишда «Рўзғорингизга ёрдам бўлсин» деб 30 та товуқ беришганди. Раҳмат, ҳозир улар тухумга кириб қолди. Иссиқхонамиз бор эди. Банкдан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, уни кенгайтирдик. Помидор, бодринг етиштиряпмиз.

– 16 йилдан буён икки боламни ёлғиз катта қиляпман. Турмуш ўртоғим билан ажрашганмиз, – дейди шу маҳаллада яшовчи Манзура Назирова. – Мактабда фаррошлик қиламан. Ярим ставка ишим учун 300 минг сўм маош оламан. Яқинда касаба уюшма ва маҳалла фаоллари келиб, тикув машинаси бериб кетишди. Қизим Рухшонанинг тикувчиликка лаёқати бор. Ҳозир замонавий машинани тиндирмайди. Кийим-кечак тикиб, ярим кўнглимга қувонч улашяпти.

– Маҳалламизда 49 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га кирган, – дейди «Нурлийўл» МФЙ раис ўринбосари Назокат Йўлдошева. – Уларнинг 14 нафари ишсиз эди. Муборак Аллаёрова банкдан 20 миллион сўм кредит олиб, учта замонавий тикув машинаси ва газламалар харид қилди. Ёнига икки нафар аёлни олиб, тикувчилик фаолиятини бошлади. Бир неча аёл тикувчилик йўналишида сабоқ олди. Улар имтиёзли кредит эвазига чеварлик ишини бошламоқчи. Беш нафар боқувчисини йўқотган аёлга газ плитаси берилди. Тиббий ҳимояга муҳтож Олтиной Бобоқулова туман тиббиёт бирлашмасида даволаниб чиқди...



«Шерозий» маҳалласида яшовчи Райҳон опа Шарипова қариганда дафтарга тушди. Ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллани айланиб юришганда опанинг уч фарзандини уйли-жойли қилганидан, аммо болаларининг ишсизлигидан хабар топишди. Опанинг муаммоси «Аёллар дафтари»га қайд этилди. Қисқа фурсатда ҳужжатлар тайёрланиб, Райҳон опанинг ҳам 20 миллион сўм кредит олишига кўмаклашилди. Меҳнатсевар оила бу пулга иссиқхона ташкил қилди, лимон кўчатлари экди.

Худди шу маҳаллада яшовчи Мавлуда Сатторова оиласида беш киши бор. Опанинг икки қизи тикувчи.

– Эски тикув машинасида тиқир-тиқир қилиб ўтирардик, – дейди Мавлуда опа. – «Аёллар дафтари»га киргизишгач, банкдан 20 миллион сўм кредит олиб, унга иккита замонавий тикув машинаси ва керакли газламалар харид қилдик. Қизларим билан кийим-кечак тикамиз. Тайёр маҳсулотларни Шаҳрисабздаги «Кеш» бозорига олиб бориб, сотиб келамиз. Рўзғоримизга барака кирди. Бизга ёрдам берган барча инсонлардан миннатдормиз.

– Ишчи гуруҳ билан хонадонма-хонадон юриб, аёллар муаммоларини ўрганиш ўз самарасини беряпти, – дейди «Хўжаилғор» маҳалла фуқаролар йиғини раис ўринбосари Гулнора Шомирзаева. – Жумладан, ногирон фарзанд тарбиялаётган Ситора Шаропованинг уйи таъмирлаб берилди. Матлуба Исмоилованинг эри ногирон. Бу аёл ободонлаштириш бўйича жамоат ишига кирди. Дилбар Эргашеванинг ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам ногирон. Унга тикув машинаси берилди. Туғма ногирон Зебинисо Қодировага бир миллион сўм пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси олти ойлик моддий ёрдам белгилади. Бу аёл босқичма-босқич даволаниш муолажалари оляпти.

– Ҳозирча Яккабоғ туманида 60 нафар аёл тикув машинаси олган, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бобомурод Хўжаёров. – 184 нафар аёлга 500 минг сўмдан моддий ёрдам пули тарқатилди. 84 нафар аёл турли маиший хизмат турлари фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олишди. 12 нафар аёлнинг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Ишчи гуруҳи аъзосининг айтишича, аёллар муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳали қилинажак ишлар бисёр. Муҳими, тумандаги аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишяпти, ҳар ким яхши яшашга ҳақли ва амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан мақсад ҳам айнан шу эканини англаб етишмоқда.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

---

*Фарғона вилояти*

# ҚАЛБГА ҲАРОРАТ, ОИЛАГА ДАРОМАД



**Олтиариқ туманида аҳоли ўртасида ўтказилган хатлов натижаларига кўра, кўмакка муҳтож бўлган аёллар ва ёшлар «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган эди.**

Хусусан, куни кеча 391 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди. 131 нафар аёлга тикув машинаси, 70 нафарига пишириқлар тайёрлаш учун печлар берилди. «Ёшлар дафтари»га киритилган 50 нафар ёшга пайвандлаш аппарати ва металларга ишлов беришга мўлжалланган махсус техник воситалар, 120 нафарига ўсимликларга кимёвий ишлов бериш аппарати ва велосипед, яна 20 нафарига эса боғдорчиликда асқатадиган махсус техникалар топширилди.



– Қўлимда ҳунарим бўлса-да, дурустроқ тикув машинам йўқ эди, – дейди Муаззам Тешабоева. – Ишчи гуруҳ вакиллари хонадонимизга келганда, уларга буни айтгандим. Мана бугун уларнинг ёрдами билан тикув машинали бўлдим. Энди бемалол тикувчилик қилиб, рўзғор тебратишим мумкин. Бундай кўмак учун миннатдорман!

Шу куни «Аёллар дафтари» рўйхатида турувчи Маҳфуза Сайфуддинова ҳам тикув машинасига эга бўлди.



– Бундай ғамхўрлик учун хонадонма-хонадон юриб, аёлларнинг муаммоларини ўрганиб юрган касаба уюшмаларининг фидойи вакилларига раҳмат, – дейди Маҳфуза Сайфуддинова. – Энди бу тикув машинасида ҳам даромад топаман, ҳам фарзандларимга ҳунар ўргатаман.

Қийналган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар Фарғона вилоятида тобора кенг қулоч ёзиб бораётир.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

---

*Андижон вилояти*

Тармоқларда нима гап?

**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси таркибида Андижон вилояти бўйича 196 та бошланғич ташкилот ҳамда 2 та бирлашган қўмита фаолият кўрсатяпти. Қарийб 23 мингдан зиёд аъзоларнинг 5 минг 451 нафари аёллар, 6 минг 656 нафари эса ёшлардан иборат. Яқинда мазкур ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларининг ўтган йилдаги ижроси юзасидан бўлиб ўтган муҳокамалар поёнига етди. Хўш, хулосалар қандай?**

# БАРҚАРОР КАФОЛАТЛАРДАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР САРИ

Аввало, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатлар ижроси касаба уюшма фаолларига ҳам, аъзоларга ҳам маъқул бўлди. Шунинг баробарида бир қатор ташкилотлар вакилларидан жамоа шартномасига киритилиши зарур деб ҳисобланган умумий мазмундаги ўнлаб таклифлар келиб тушдики, айни масала гарчи Меҳнат кодексида назарда тутилмаган бўлса-да, қонунчилик доирасида ҳал этилиши лозим, деган тўхтамга келинди.

Кўпчиликнинг хоҳишини ифода этган муаммо моҳияти бундай эди: ўтган йилги пандемия даврида ўзи ёки 14 ёшга тўлмаган фарзанди коронавирус юқтирганлиги гумон қилиниб карантинга олинганлар, жумладан, уйидан чиқмай ўтирганлар орасида бошқа идоралар қатори банк ходимлари ҳам бор эди. Аммо иш жойидаги вазифаси долзарблиги, устига-устак, масофавий ишлашга имконсизлиги боис айрим мутахассислар табиий равишда зиммасидаги мажбуриятни бажаролмади. Айнан шу кезда баъзи раҳбарлар ишга келолмаётган ходимни сиқувга олиб, масалани кўндаланг қўйишди: «Ёз аризангни!»

Албатта, касаба уюшмалари аралашуви билан юқоридаги каби ўнга яқин таранг вазият юмшатилиб, ишчилар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаб баҳонасида вазифасидан четлатилишининг олди олинди.

Қисқаси, аччиқ тажрибалар, ходимлар таклифларидан хулоса қилиниб, жамоа шартномаларига ушбу мавзу билан боғлиқ бандлар киритилди. Эндиликда баён этилгани каби ҳолатларда меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилинади, яъни ўзи ёки фарзанди карантинга олинган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

– Бошланғич ташкилотларимиз раислари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳри кенгаши раиси Севара Ҳошимова. – Баъзи иш берувчилар касабақўм етакчиси ташкилотдаги асосий юмушларидан ортсагина, касаба уюшманинг вазифалари билан шуғулланиши керак, деган фикрда. Бундай иш тутуми, айниқса, шаҳар кенгашининг онда-сонда фаолиятга дахлдор хат-ҳужжатлар билан боғлиқ зарур семинарлари чоғида яққол сезилар эди. Яъни, баъзи бошланғич ташкилот етакчилари иш берувчининг «Иш вақтида ташкилотда бўлишингиз керак», дея семинарга рухсат бермаётганини айтиб қолишарди. Тўлдирилаётган жамоа шартномаларида ушбу жиҳатлар ҳам аксини топяптики, энди бу мавзудаги тушунмовчиликларга ҳам нуқта қўйилиб, қуйи бўғин раислари ходимлар вакили сифатида хотиржам ишлаши учун имкон яратилди.

Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар муҳокамалари доирасида вилоят божхона бошқармаси, Давлат хизматлари агентлиги, «Ватанпарвар» ташкилотининг янги жамоа шартномалари лойиҳалари кўриб чиқилди. Шунингдек, ҳудудларда фуқаролик ишлари бўйича ҳамда жиноий ва иқтисодий судлар негизида вилоят судлари ташкил этилгани муносабати билан уларнинг касаба уюшма қўмиталари ҳам бирлашиб, ягона жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Албатта, касаба уюшма аъзоларининг қонуний таклиф-истаклари ўларoқ бойитиб, тўлдириб борилаётган асосий ҳужжатлар меҳнат муносабатларини тартибга солиш баробарида ходимларга кўплаб имтиёзлар бераётгани билан аҳамиятлидир.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
«ISHONCH»

---

*Самарқанд вилояти*

Долзарб мавзу

# Ургутда ЕР, Қўшработда ТАДБИРКОР танқис...(ми?)

**– Кейинги уч йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ҳудудимизда 313 миллион АҚШ долларилик 55 та лойиҳа амалга оширилиб, қарийб 4,5 минг нафар фуқаро муқим иш билан таъминланди, – дейди «Ургут» эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) дирекцияси раҳбари ўринбосари Абдуғаффор Мадаров. – Янги корхоналарда газ плиталари, енгил саноат ва чарм-пойабзал маҳсулотлари, гиламлар, гигиена воситалари, электротехник асбоб-ускуналар каби 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорларга йўналтирилмоқда.**

Ургутда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ер ажратилаётганини Туркияда туриб эшитган Мажитхон Исломовнинг юрагига ҳам чўғ тушди. Катта орзу-мақсадлар билан юртга қайтган йигит ўз бизнесига асос солди. Танилди, хориждан ишончли ҳамкорлар орттирди. Давлатимиз раҳбари билан учрашувда корхонаси имкониятларини кенгайтириб, иш ўринлари сонини 3000 тадан ошириш нияти борлигини билдирди.

Бир гал Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Ургут тумани кенгаши раиси Раббим Азизов бизни «Комонгорон» маҳалласидаги «Комонгорон» номли Ўзбекистон – Эрон қўшма корхонасига бошлаб борганди. Бу мўъжазгина корхонада 50 турдан зиёд енгил пойабзаллар ишлаб чиқарилаётгани ва 5 та давлатга экспорт қилаётганини эшитиб ҳайратлангандик. Шунингдек, юз нафар ходимга яратилган шароитдан кўнглимиз тўлганди. Корхона раҳбари эса қўллаб-қувватлашлар бўлса, бир нечта филиаллар очиш имкони борлигини айтганди.

Бугун ярим миллиондан зиёд Ургут аҳли қозон қайнагандай қайнаяпти. Жой етишмаганидан Нуробод туманининг Сазағон массивида, чўлда, эркин иқтисодий зона тасарруфига берилган майдонларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этган тадбиркорларга тасаннолар айтсак, арзийди. Уларнинг ишбилармонлик салоҳияти ва тажрибаси барча ҳудудларда асқатишига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Бу Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида алоҳида вазифа сифатида белгилаб берилди.

Энди гапни бошқа жойдан эшитсак... Неча йилки, ишга чанқоқ ва танти қўшработликлар ана шундай ўзгаришларни кутиб яшаяпти. Ери кўп бу туман шароитини яхши билган давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифларидан бирида мутасаддиларга «Келинглар, Қўшработ хусусида махсус қарор лойиҳаси тайёрлайлик», деган таклиф киритганди. Ўйлаймизки, ушбу масала ечими янгидан-янги ташаббусларга йўл очади.

Очиғини айтганда, Қўшработда тадбиркорлик суст ривожланяпти. Холис ният ва катта умидлар билан барпо этишга киришилган ёнғоқзор ҳосилини кутавериб, кўплар қариди. Анча эскирган бўлса-да, қуйидаги мавзуни сабоқ учун ёдга олсак, бизнингча, фойдадан холи бўлмайди.

Ўша кезлар туманда «Оқтепа унумдор замин» фермер хўжалиги ташкил этилиб, унга салкам 1000 гектар ер ажратилганди. Қақроқ заминга илк кўчатни оқсоқоллар иштирокида Президентимизнинг ўзи ўтқазган эди. Ёнғоқ плантациясида сув таъминотини яхшилаш ҳам эътиборга олинганди. Адашмасак, Глобал экология фонди (ГЭФ) томонидан 159 минг 500 АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиб, қуёш батареяси воситасида ишлайдиган ва ер қаъридан сув тортиб чиқарадиган насослар ҳам ўрнатилгандай бўлувди.



Бу лойиҳа бора-бора бошқа ўзанга бурилиб кетди. Биз «Оқ-Қорадарё» ирригация тизимидан сув олиш ғояси кимдан чиққанини билмаймиз. Лекин салкам 5 миллиард сўмлик маблағ ҳисобига насос станцияси қурилгани, 4,5 километр узунликдаги сув қувурлари ётқизилгани бор гап. Шусиз ҳам обиҳаётга ёлчимайдиган Янгикент каналидан ушбу мақсадда фойдаланиш режаси саробга айланди. Сарфланган сармоя бир томчи сув олиш имконини бермасдан ҳавога совурилди.

«Қийқим» маҳалласи қирларидан Қўшработ сари ўтганимда кўз ўнгимда чуқур кавлаб, терга ботган ҳамюртларимнинг чарчоқ рафторлари гавдаланаверади. Ҳеч кимга ҳеч қандай нафи тегмаган, баландлиги одам бўйи келадиган қувурлар бамисоли хазинадек тупроққа кўмилиб ётибди.

– Туман кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида ҳудуддаги турғунлик, иқтисодий оқсоқлик масаласи жиддий муҳокама қилинди, – дейди Халқ депутатлари Қўшработ тумани кенгаши депутати Шерали Шакаров. – Барча фаолларимиз бундан тегишли хулоса чиқариб, ўзларига вазифалар белгилаб олишди. Хуллас, юрт шарафи ва ори учун белни маҳкам боғлаяпмиз.

Қанийди, депутат айтганидек бўлса...

Қўшработ келгусида гуллаб-яшнашига биз ҳам ишонамиз. Қолаверса, ургутлик ишбилармонлар қўл чўзиб, «Сизларга елкадошмиз!» деб туришибди. Фақат масъуллар дўппини бошдан олиб, бир ўйлаб кўришса, бас...

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»



# ПАНДЕМИЯ

# ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

## ёхуд коронавирус тарқалишига барҳам бериш қандай чораларга боғлиқ?

1

### КОРОНАВИРУС ДУНЁНИ ҚАЙ КЎЙГА СОЛДИ?

2019 йил декабрь ойида Хитойнинг Хубей провинцияси Ухан шаҳрида «уйғонган» коронавирус хасталиги қисқа вақт ичида ер юзининг деярли барча давлатларини «забт этди». Очиғи, ўша вақтларда кимдир «COVID-19» инфекциясига 3 миллион нафар одам чалинади, деса уни руҳий носоғломга чиқаришлари аниқ эди. Тўғри-да, касалликнинг бундай нуфусни зарарлаши ва шунча одам орасида тарқалиши осон эмас, ахир. Бугунга келиб эса ер юзининг **218 та давлатида 140 миллион нафардан ортиқ** одам коронавирус хасталигига чалинди, **3 миллион нафар**дан зиёд инсон вафот этди. Дунёнинг барча қитъаларида, ҳатто, Антарктидада ҳам «COVID-19» инфекцияси билан боғлиқ ҳолат қайд этилди.

Айни пайтда касаллик тасдиқланган ҳолатлар бўйича АҚШ етакчи ўринда бўлиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, ҳозирда бу юртда **32 миллион**дан ортиқ инсон коронавирус инфекциясини юқтириб олган. Шунингдек, Ҳиндистон, Бразилия, Франция, Россия, Буюк Британия, Туркия давлатларидаги вазият ҳам ҳавас қилгулик эмас.

### ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДАЙ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШГАН ЭДИ?

Айниқса, 2020 йил ёз ва куз ойлари мамлакатимизда касаллик энг авж нуқтасига етган пайтда юртдошларимиз ўзларининг фуқаролик позициясини чуқур англаб, Республика махсус комиссияси томонидан айтилган барча қоидаларга қатъий амал қилди. Бу билан эса ўзларини касалликдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда яқинларини ҳам ушбу хавфли инфекциядан асради. Натижада юртимизда «COVID-19»нинг одамдан одамга юқиши олдини олиш борасидаги ҳолат ижобий томонга ўзгариб, эпидемик вазият барқарорлашди.

Жумладан, 2020 йил охири ва 2021 йил бошларида мамлакатимизда коронавирус билан касалланиш ҳолати анчайин яхшиланиб, кунига 25-30 нафар бемор қайд этилаётган эди, холос.

### НЕГА ИЖОБИЙ ТЕНДЕНЦИЯНИ УШЛАБ ҚОЛОЛМАДИК?

Мамлакатимиз бўйлаб касалланиш, ўлим кўрсаткичи ва оғир аҳволдаги беморларга оид статистик маълумотларнинг охирги **1 ярим ой**ини таҳлил қилсак, 25 февралдан бугунга қадар хасталик **10 баробар**га ошганини кўриш мумкин. Ваҳоланки, жорий йил **25 феврал**да юртимизда коронавирус билан касалланган **31 нафар бемор** аниқланиб, **153 нафар бемор оғир**, **28 нафар**и ўта оғир аҳволда бўлган.

Афсуски, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аниқроғи, **15 апрел**га келиб, бу рақамлар бироз хавотирли тус ола бошлади. Яъни, шу куни юртимизда **292 нафар** янги бемор аниқланди. Айниқса, бу борада пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги ҳолат ташвишли. Ваҳоланки, бугунги кунгача соҳа мутахассислари томонидан юртимиз аҳолиси хасталик хавфи, мамлакатимизда карантин қоидалари бекор қилинмагани, коронавирус буткул йўқолиб кетмагани, у ҳали ҳам орамизда экани ҳақида такрор ва такрор огоҳлантирилди. Ҳозирга келиб, Ўзбекистонда «COVID-19»нинг инсондан инсонга юқиши яна авж олмоқда.

Агар Республика бўйича рўйхатга олинган касалликларни ёшма-ёш таҳлил қилсак,

14 ёшгача бўлган болалар ўртача **13-15 фоиз**;
15-19 ёшдагилар **4-6 фоиз;**
20-29 ёшдагилар **11-14 фоиз**;
30-39 ёшдагилар **17-20 фоиз;**
40-49 ёшдагилар **10-15 фоиз;**
50-59 ёшдагилар **12-16 фоиз;**
60 ёш ва ундан катталар **22-26 фоиз**ни ташкил этмоқда.



Аслида, коронавирус ўта юқумли бўлгани боис, хасталикнинг, энг аввало, олдини олиш зарур. Бунда касалликнинг аҳоли орасида кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик муҳим бўлиб, ПЗР тест синамаларини ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, ҳозирда мамлакатимизда ПЗР тест синамаларини мунтазам ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. **Ҳозирда кунига 40-42 мингта ана шундай махсус тест синамалари қилинмоқда.** Бу эса беморларни эрта аниқлаш ва эрта даволаш имконини бериш билан бирга инфекция тарқалишининг ҳам олдини олмоқда.

**Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, юртимизда «COVID-19» хасталиги билан боғлиқ вазият анчайин барқарорлашган бир ҳолатда нега бу ижобий тенденцияни ушлаб қола олмадик?! Бунга сабаб нима?!**

Албатта, бунинг бир нечта сабаблари бор. Энг аввало, шуни айтиш кераккки, сўнгги вақтларда аксарият юртдошларимиз **«бўлди, касаллик тугади»,** деган ўй билан карантин қоидаларига мутлақо риоя қилмай қўйди. Соҳа мутахассислари бот-бот таъкидлаётган – ниқоб тақиш, оммавий тадбирларда иштирок этмаслик, масофа сақлаш, қўлларни тез-тез антисептик воситалар билан тозалаш каби оддий қоидалар унутилди. Масъулиятни ҳис қилмаган ҳолда кўча-кўйда, жамоат жойларида ҳаракатланиш одатга айланди. Ёпиқ ҳудудларда, одамлар кўп тўпланадиган жойларда карантин қоидаларига риоя қилиш қўпол равишда бузилди. **Айримларда эса «касал бўлсам, шифокор даволайди»,** деган нотўғри тушунча шаклланиб қолди. Ваҳоланки, коронавирусни даволашда шифокорнинг ўрни **10 фоиз**ни ташкил этади, холос.

> **Айни пайтда касаллик тасдиқланган ҳолатлар бўйича АҚШ етакчи ўринда бўлиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, ҳозирда бу юртда 32 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ инсон коронавирус инфекциясини юқтириб олган. Шунингдек, Ҳиндистон, Бразилия, Франция, Россия, Буюк Британия, Туркия давлатларидаги вазият ҳам ҳавас қилгулик эмас.**

Шу билан бирга, юртимизда касалликнинг «британча» штамми аниқлангани ва ушбу тур тез суръатларда тарқалиш хусусиятига эга экани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ҳозирга қадар «COVID-19» бутун дунёда **5 минг марта**дан ортиқ мутацияга учрагани аниқланди. Энг ачинарлиси, коронавирус вазиятдан келиб чиқиб, яшаб қолиш учун ўз ҳолатини ўзгартираётган бир пайтда одамларнинг карантин қоидаларига бўлган муносабати мутлақо ўзгармаётгани кишини хавотирга солади.

### ОДДИЙ ҚОИДАЛАР ҲИМОЯСИ...

Кези келганда яна бир мулоҳаза. Маълумки, коронавирус илк бор аниқланган Хитой, шунингдек, Жанубий Корея, Япония, Малайзия каби бир қанча давлатлар пандемик вазиятдан имкон қадар талафотларсиз чиқишга муваффақ бўлди. Ушбу мамлакатларда касалланиш статистикасига эътибор берсак, вазият анчайин барқарор эканини кўриш мумкин.

**Хўш, улар бундай натижага қандай эришди? Нимaнинг ҳисобига ушбу давлатларда эпидемик барқарор вазият кузатилмоқда?! Ваҳоланки, бугун Хитойда 1 миллиард 400 миллиондан зиёд, Жанубий Кореяда 50 миллиондан ортиқ, Японияда 125 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади.**

Аввало шуни айтиш лозимки, аксарият ҳудудларда касаллик кам миқдорда аниқланган пайтларда ҳам беморлар тўлиқ изоляцияга олинди. Кўча-кўйда ҳар бир фуқаро ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, ҳароратни ўлчаш каби карантин қоидаларига қатъий риоя қилди. Бу бироз жўн кўрингани билан асосли сабаб, албатта.

Шунингдек, жамоат транспортлари, савдо дўконлари, офислар, таълим муассасаларида одамлар ҳеч бир истисносиз ўрнатилган тартибларга бўйсунди. Ҳатто, энг яқин савдо дўконига борган фуқаронинг ҳам бинога киришдан аввал тана ҳарорати ўлчаниб, қўллар антисептик воситалар билан зарарсизлантирилди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли ҳукумат томонидан киритилган барча карантин чекловларига амал қилди. Ҳеч ким вазият ёмонлашишини кутмади. Яъни, ҳамма фуқаролик масъулиятини ҳис этиб, пандемия шароитида яшашни ўрганди.

### ВАКЦИНАЦИЯ – ЭНГ САМАРАЛИ ЕЧИММИ?

Аслида, бу касалликни енгиб чиқишда энг қулай усул хасталикни одамдан одамга ўтишини тўхтатишдир. Бўлмаса, «COVID-19»-нинг тарқалиши кундан-кунга авж олиб, унинг янги штаммлари пайдо бўлишига сабаб бўлади ва коронавируснинг тарқалишини жиловлашда қийинчиликлар туғдиради. Ёки бўлмаса, маълум бир ҳудудда яшайдиган 60-70 фоиз аҳолининг иммунитетини шакллантириш орқали ҳам эпидемик вазият барқарорлашиши мумкин. Аммо бу йўл қанчалик хавотирли, сарсимали эканига ўтган бир йил давомида барчамиз гувоҳ бўлдик. Афсуски, шу вақт оралиғида қанчадан-қанча инсонлар ўз яқинларини йўқотди. Шу боис, эмлаш орқали аҳолида коронавирусга қарши иммунитет шакллантириб олсак ва бу жараёнда тиббиётнинг фаоллиги, кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаб олсак, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Шу мақсадда жорий йилнинг 17 март куни Ҳиндистон давлатида «COVAX» дастури асосида ишлаб чиқарилган 660 минг доза «Covishield» вакцинаси, 27 март куни Хитойнинг «Ayhui Zhifei Longcom» компанияси ва ўзбек олимлари билан биргаликда ишлаб чиқарилган бир миллион доза янги рекомбинант «ZF-UZ-VAC2001» коронавирус вакцинаси юртимизга олиб келинди ва тақсимот асосида ҳудудларга етказилди.

Республикамизда жорий йилнинг 1 апрелидан оммавий эмлаш ишлари бошланди. Бунда биринчи навбатда хавф гуруҳига мансуб аҳоли қатлами эмланиши режалаштирилган. Жумладан, биринчи босқичда, жами **4 112 668 нафар** хавф ости гуруҳидан **528 390 нафар** аҳоли эмланади.

Ҳозирга келиб, хавф гуруҳидаги 65 ёш ва ундан катталар ҳамда тиббиёт ходимлари орасида эмланганлар сони 400 минг нафардан ошди. Оммавий эмлаш тадбирларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида COVAX доирасида жорий йилнинг май-июнь ойларида **1,6 миллион** доза «Covishield», шунингдек, апрель-июнь ойларида **2,5 миллион** доза «ZF-UZ-VAK 2001» вакциналарини юртимизга келтириш режалаштирилган. Шу билан бирга, Россия Федерациясидан 1 миллион доза «Спутник V» вакцинаси харид қилиш юзасидан шартнома имзоланди ва апрель ойи охиригача дастлабки ҳажмдаги вакцина олиб келиниши кутилмоқда. Шунингдек, Ҳиндистоннинг **«Serum Institute of India»** компанияси ишлаб чиқарган вакцинани республикага олиб келиш юзасидан музокаралар давом этмоқда.

### БЕБАҲО ДАВО

Албатта, вакцинация жараёнлари «COVID-19» хасталигини жиловлашда энг муҳим омил саналади. Бироқ бу билан касалликни буткул йўқ қилиб бўлмайди. Эътибор берсак, бугун, ҳаттоки, ривожланган давлатларда вакцинация жараёни жадал олиб борилишига қарамай, коронавируснинг тарқалиши кундан кунга ўсиб бормоқда. Европа, Жанубий Америка давлатлари, қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларида касалликни назоратга олиш мақсадида карантин қоидаларини кучайтиришга мажбур бўлинмоқда. Бу эса, ўз ўрнида, беморларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигига салбий таъсир этади. Шу боис, мамлакатимиз ҳудудида ҳам коронавирус пандемиясига қарши чораларни изчил давом эттириш ва коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалиши олдини олиш мақсадида бир неча чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Энг аввало, барча жамоат жойларида ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш, қўлларни антисептик воситалар билан зарарсизлантириш каби карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз зарур. Ўрнатилган тартиб-қоидаларни менсимаган фуқароларга нисбатан эса кескин чоралар кўриш лозим. Шу билан бирга, зарурат бўлмаганда мамлакатимиз фуқароларининг чет мамлакатларга чиқмаслиги, четдан кириб келаётганлар ПЗР текшируви «манфий» эканини тасдиқловчи маълумотномани тақдим қилишлари керак.

Бундан ташқари, оммавий ва бошқа турли йиғинларни иштирокчилар сонини чегаралаган ҳолда ташкил этиш, «COVID-19»нинг бугунги кунда тез ва кенг тарқалиб бораётган «британча» штамми айнан болалар ва ёшлар орасида кўп учраётгани боис, ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати хулосасига кўра, коронавирус аниқланган ҳар бир таълим муассасасида ўқув ва тарбия тизимини «онлайн» тизимга ўтказиш ва карантин муддати тугагандан кейин қайтадан «офлайн» тизимга ўтиш амалиётини давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилот, корхона, муассасаларда, савдо мажмуалари, кўнгилочар муассасалар кириш қисмида тана ҳароратини ўлчаш, қўлларни антисептик воситалар билан зарарсизлантириш амалиётини мунтазам олиб бориш, жамоат транспортларидан фойдаланаётганда карантин қоидаларига амал қилиш, қўлларни тез-тез антисептик воситалар билан тозалаш лозим.

Шу билан бирга, турли хил шамоллаш аломатларида зудлик билан тиббиёт ходимига мурожаат этиш ва ўз вақтида шифокор назоратида даволаниш даркор.

Аслида, коронавирусга қарши энг яхши профилактика ҳам, вакцина ҳам соғлом турмуш тарзи ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилишдир. Буларга эътибор берадиган инсонга нафақат коронавирус, балки бошқа касалликлар хавф солиши ҳам бир неча баробарга камаяди. Бундай инсонлар касалликка чалинган тақдирда ҳам ундан тез халос бўладилар.



**Фурқат САНАЕВ,**
Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот котиби

---

Нуқтаи назар

## «FORBES» НАШРИ:
# Ғарб Ўзбекистонга Россия ва Хитойнинг глобал таъсири доирасида мувозанатни сақлашда ёрдам бериши керак

**«Forbes» нашри Мелик Кайланнинг «To Balance The Global Pressure From Russia And China The West Must Help Uzbekistan» номли мақоласини чоп қилди. Қуйида ушбу мақоланинг ўзбек тилига таржимаси қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.**



Қарийб 200 йилдан бери илк марта ҳамманинг назари Марказий Осиё минтақасига тикилган ва Ўзбекистон минтақанинг ўзаги ҳисобланади. Яъниким, Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатлар ташқи кучларнинг чалғитишига учмай, ўз тақдирини ўзи белгилашдай чин маънодаги имкониятга эга. Бироқ барча минтақавий ва глобал кучлар бирлашмаса, бу имконият кучли бўлиш ўрнига заифлашиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон биринчи навбатда қўшни Афғонистонга улкан таъсир кўрсатиши керак ва кўрсатмоқда ҳам. Афғонистондаги беқарорлик тез орада келажагимиз учун таҳдидга айланиб кетиши мумкинлигини тушуниб олдик. Террористик таҳдидларни тийиб туришга сарфланган сўнгги 20 йилни бой берилган ўн йилликлар деб аташимиз мумкин, чунки ўша вақт мобайнида глобал рақиблар таъсир доирасини ёйиб, Россия Европада, Хитой Тинч океани минтақасида таъсир доирасини кенгайтира бошлади. Бундан ташқари, Марказий Осиёда устун мавқега эга бўлган ҳар қандай йирик давлат нефт ва газдан тортиб, олтин ва урангача бўлган арзон хомашёдан фойдаланиш, ҳатто уларни бошқаларга йўл бермайдиган тарзда ишлатиш имконига эга бўлади. Минтақа советлар ҳукмронлиги даврида бўлгани каби яна иккала тарафдан ҳам – Эрон билан Покистон ўртасида берк маконга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирги пайтда Хитой иккала томондан ҳам ўраб олинган мамлакатларнинг устун савдо шериги бўлиб турибди. Расмий Пекиннинг яқинда Эрон билан эришилган 400 миллиард АҚШ долларилик келишуви шов-шувларга сабаб бўлди ҳамда у Хитойга Эроннинг барқарор арзон нефтидан фойдаланиш, Эронга эса Ғарб санкциялари босими остидан чиқиш йўлини топиш имкониятини берди.

Бундан кейинги глобал энергетика мувозанатига тузатишлар киритилиши Эрон қўшни мамлакатларга нисбатан ҳужумкор мавқеда – ядро қуроли билан бирга – бўлишига, Хитой пул бирлиги эса бутун бошли минтақада доллар ўрнини эгаллашига олиб келиши ҳеч гап эмас. Россияга келадиган бўлсак, унинг минтақадаги таъсирини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ҳақиқий мустақиллик ўз миллий тақдири устидан тўлиқ назоратни қўлга киритишни англатади ва минтақа таркибига кирувчи мамлакатлар ҳали тўғри йўналишни топиб олиши керак бўлади. Қозоғистон маълум муддат яхши ривожланди, аммо у ҳозир сулола модели домидан чиқиб кета олмаётганга ўхшайди – ҳозирги кунда мамлакат дуч келаётган муаммоларининг сабаби шу. Қирғизистон бир инқироз билан иккинчиси ўртасида сарсон бўлиб юрибди. Ҳам ҳудуд ўлчами, ҳам аҳоли сонига кўра энг кичик республикалардан бири бўлган Тожикистоннинг омонат барқарорлиги Россия билан Хитойнинг ҳомийлигига боғлиқ бўлиб қолган. Туркманистон ҳақида... қанчалик кам сўзланса, шунчалик соз.

Ушбу манзарада Ўзбекистон келажак учун ягона умид шуъласи бўлиб турибди. Собиқ раҳбар Ислом Каримовнинг постсовет давридаги қарийб 25 йиллик қаттиққўл бошқарувидан сўнг мамлакат ташқи дунёга очилди ва жадал ривожлана бошлади. Янги Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан сўнгги тўрт йил давомида рўй берган ўзгаришлар ақлни шоширади. Мен чиндан ҳам собиқ тузум билан янгиси ўртасидаги тафовут ҳақида иккита мақола ёзган эдим, жорий йил мартида Ўзбекистонга қилган энг сўнгги сафарим чоғида эса бунинг амалдаги исботини ҳар жойда кўриш мумкин бўлди. Ўзбекистон Сингапур, Малайзия ёки Ҳиндистон сингари қитъанинг иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли моделларидан андоза олаётган, бироқ қўшимча кучли экологик ва тарихий мезонларга эга Марказий Осиё мамлакати эканини тушуниш лозим. Ўзбекистон йирик шаҳарларидаги катта кўчалар ва улар бўйларидаги бинолар чиннидай тоза ва таъмирланган. Жумладан, тарихий қадамжолар ҳам – Венециядан фарқли ўлароқ, мамлакатда улар сони жуда кўп. Самарқанд ва Бухоро янглиғ афсонавий шаҳарлар чеккаларида оммавий тарзда замонавий қурилиш ишлари бошланди, шу билан бирга, тарихий марказлар ёки атроф-муҳитга зарар етказмаслик учун ишлар пухта режалаштирилмоқда.

Эътиборлиси шуки, минтақадаги ёки исталган минтақадаги мамлакат аҳолисидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон аҳолиси ўз аҳволини жуда некбин баҳолайди. Туркиядан бошлаб, Эрон орқали Покистон ва бошқа мамлакатларга қадар имконият берсангиз, маҳаллий аҳоли тинмай жағ уриб, ҳукуматдан шикоят қилади. Бунинг зидди ўлароқ, шахсан ўзим фикрини сўраган барча ўзбеклар (мамлакатда ҳам, чет элларда ҳам) одатда ўз мамлакати ҳақида норози бўлиб гапиришни истамайди. Эҳтимол, бу қисман узоқ муддатли қамал ҳолатининг тугаши ва келажакка умид билан қарашдай тарихий лаҳза бўлиши ҳам мумкин. Қозоғистондаги Назарбоев ҳукмронлигининг дастлабки ўн йилида ҳам ушбу ҳолат кузатилганига шубҳа йўқ. Бироқ ўзбекларга хос некбинликнинг пойдевори бутун ва ҳукумат кўраётган аниқ чора-тадбирларга асосланади. У, масалан, ватандошлар ўзини доимо демократиянинг органик – узвий шаклига мойиллигини кўрсатаётган давлат шакли ва йўналишига дахлдорлигини ҳис қилишида жуда асқатади. Ўзбекистоннинг ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларда «маслаҳат марказлари» тармоғини ташкил этиш билан интерфаол бюрократиянинг янги шаклини яратгани ноёб ҳодисадир, аҳоли ўша марказларга кириши ва адолатсизлик ҳолатларидан шикоят қилиши ёки қайсидир Ғарбдаги мавзеларнинг режалаштириш қўмиталари йиғинига ўхшайдиган мажлисларда иштирок этиши мумкин. Қонунбузарлик ҳолатлари тузатилмаган жойларда аҳоли улар ҳақидаги маълумотларни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатади – давлат ватандошларга ўз фикрини шу тариқа билдиришга изн берган.

Ўзбекистондаги давлат институтлари пухта ўйланган тарзда, ва шу билан бирга, жамоатчилик фикрининг кўпчиликка хос бўлган консерватив бўлакларидан унча олдинлаб кетмаган ҳолда эркинликларга рухсат бериши ва ўзлари ҳам уларни сингдириб олиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳаддан зиёд ғарблашув – Россия, Хитой, Эрон ёки «Толибон» бўладими, бундан қатъи назар – бирпасда кучли қўшниларнинг ғазабини келтириши ҳам мумкин. Тбилисининг Саакашвили президент бўлган йиллардаги фожиали намунаси ҳар қандай миллий даражадаги тез ривожланиш хавф туғдириши мумкинлигидан далолат беради. Мабодо қўшни мамлакатлар Грузияда бўлгани каби ўз ички ишларига аралашиб, норозилик кайфиятини қўзғайдиган даражада хафа қилинса, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва эркин иқтисодиёт соҳасида қилинадиган тўғри ишлар ҳеч нарсага арзимай қолади. Президент Шавкат Мирзиёев президентлигининг дастлабки бир неча йилини қўшни мамлакатларга сафар қилиб ва улар билан яхши муносабатлар ўрнатишга сарфлаб, оқилона иш тутди. У олдига Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатларни яқинлаштириб, ўзига хос савдо блоки тузишни мақсад қилиб қўйди. Мирзиёев ҳисоб-китобига кўра, битта мамлакатдан кўра, бутун бошли блокни беқарорлаштириш мушкул. Айни чоқда у глобал фондлар мамлакатнинг пойдевори мустаҳкамлигидан манфаатдор бўлиши ва хавфсизлигини сақлашга ёрдам бериши учун бутун дунё, жумладан, Европа ва Осиёдан Ўзбекистонга инвестиция киритилишини рағбатлантирди.

Биз Ўзбекистон тимсолида жуғрофия тақдир экани тўғрисидаги қоидани бузишга, улкан гегемон кучлар соясида эркинлик ва мустақилликка интилаётган мамлакатнинг яна бир намунасини кўряпмиз. Ғарб, айниқса, совуқ уруш давридан бери бундай иттифоқчиларни қўллай олмай келгани учун ҳам бу борада муваффақиятни таъминлаши шарт. Ҳар бир омадсизлик, яъни қўлламаслик янада кўпроқ таҳқирлашга сабаб бўлади. Йирик давлатлар нарсаларга елка оша қарашни давом эттираверса, бурнининг тагида рўй бераётган нарсаларга аралашишдан чўчиб қолади. Агар биз Украина ва Тайвандаги муаммоларга енгил ечим ахтарадиган бўлсак, Ўзбекистонни ҳам эътибордан четда қолдира олмаймиз.

**Манба: uzanalytics.com**



*Андижон вилояти*

Акс-садо

**Андижон шаҳридаги марказий хиёбондан ўтиб кетаётсам, Ҳалимжон ака исмли танишим китоб ўқиб ўтирган экан. Ўзи қурувчи бўлса-да, китоб мутолаасига бефарқ бўлмаган бу инсон уч кун бурун учрашганимизда Жек Лондоннинг «Мартен Иден» ва «Оқ сўйлоқ» асарларини ўқиётганини айтган эди. Кўришдик. Ўша, менга айтган китобини астойдил мутолаа қилаётган экан, сал қолса, завқини ҳавога учирибман.**

# «МАКТАБ»ГА АЙЛАНГАН «МАКТУБ»

## *ёхуд маънавиятга хиёнат қилаётганлар...*

– Ука, – деди ҳамсуҳбатим йиғламоқдан бери бўлиб, – шунчалик ҳам бўладими? Ҳар бир саҳифада имло хато, ё сўз тушиб қолган, ё қўшилиб кетган, ё ортиқча! Муҳаррирлар қаёққа қараган? Ахир, бу китобни мактаб ўқувчиси чиқармагандир?! Китобни ўқиб бўлибоқ, хатоларини белгилаб, нашриётга юбормоқчиман. Ахир, қачонгача бу аҳвол давом этади?

Қизиқиб, китобнинг сўнгги саҳифасига кўз югуртирдим. Бу китоб яқинда «Ishonch» газетасида чоп этилган «Китобдан қўлингни торт, саводсиз!» сарлавҳали мақолада номи қайд этилган «Book media nashr» нашриёти маҳсулоти экан.

Дарвоқе, мазкур мақолада долзарб мавзу кўтарилган. Менда ҳам бу борада талайгина мисоллар бор.

Ўтган йили андижонлик ижодкор Бахтиёр Фидоий «Фидоий гулшани» деган камтарона китоб тарқатди дўстларига. Бу китоб Андижон давлат университети собиқ муаллими Абдуғани Абдуллаев ўз уйида очган (?) «Асл» «нашриёти»да босилган ва унга ҳозирги маданият вазиримиз Озодбек Назарбеков сўзбоши ёзган. Сўзбошини ўқиганлар сафланиб кетган имло хатолардан озорланиб, бош чайқашди.

Афсуски, йиллар давомида инсонларнинг пулини олиб, фақат моддий манфаат учун ишлайдиган бу ношир акамиз бирорта муҳаррир ёлламайди. Ҳамма китобга ўзи сўзбоши ихтиро қилади. Муҳаррир: Ғани Мажид, мусаҳҳиҳ: А.Абдуллаев (ўзи!). Бир нусха тайёрлаб, муаллифга тақдим қилмайди. Ўтган йили шу нашриётда китобини чиқариб, оғзи куйган Иброҳим Аҳмедов деган фахрий алоқачи шоиримиз менга китобидаги хатоларни ўзи ручкада тузатиб, сўнг тақдим қилди. Афсуски, бундай ачинарли ҳолат билан ҳеч ким қизиқмайди.

Яқинда Ўлмас Мурод исмли кекса шоиримиз вилоятдаги «Андижон» нашриётида «Дунём» номли китобини чиқарди ва бизга тақдим этди. Китобга муҳаррирлик қилган Нусрат Абдусаломга, нега бу китобнинг хатолари тузатилмади, десам, муаллиф ҳам, нашриёт ҳам менга кўрсатишмади, деб важ қилди. Мисол учун бир ғазалга «Мактаб» деб сарлавҳа қўйилибди. Ўқиб чиқсам, ишқий мавзудаги бу ғазалдан мактабга, таълимга алоқадор бирорта гап чиқмади. Билдимки, сарлавҳа аслида «Мактуб» экан. Бу – биргина мисол, холос.

Кунларнинг бирида нуфузли «Шарқ» нашриётида Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг «Танланган асарлар»и учинчи жилди босилган экан, устоз аввалгилари каби уни ҳам менга туҳфа қилди.

– Устоз, бунча хато кўп, – дедим ажабланиб.

Тўланбой аканинг изоҳича, нашриёт муаллиф ўқиган нусхани йўқотган, кейин эса, аввалги – таҳрир қилинмаган нусхани варанглатиб босаверган. Ноширга нима – китоб пули тўланган, тамом!

Пойтахтдаги «Мумтоз сўз» нашриёти бошқа нашриётларга қараганда имлога умуман эътибор бермаслиги билан ҳам алоҳида ажралиб турса керак. Буни устоз Тўлан Низомнинг «Тоғ бағридаги қоя» ва бошқа китоблари нашри жараёнида кўп ва хўб кўрганмиз. Гап қуруқ бўлмасин, шоир 80 ёшга тўлиши муносабати билан мазкур нашриётда замондошлар эътирофи, олимлар томонидан устоз китобларига сўзбошилар, бағишлов шеърлардан иборат «Замин ва замон куйчиси» номли китоб нашр этилди. Варақлаб бораётсам, бир мақола устига «Ҳабиб Сиддиқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси», деб изоҳ берилибди. Мақола нариги бетда ҳам давом этиб, унинг охирига «Рустам Мусурмон», деб имзо чекилган. Наҳотки, бу хатони бирорта мутахассис кўрмаган бўлса? Ўшанда Тўланбой аканинг, бу нашриётдагилар жуда чатоқ экан, бирор марта телефонимни кўтармаяпти, деб кўп зорланганини ўз қулоғим билан эшитганман.

Бунақа мисоллар кўп. Китобни синчиклаб, мутахассислар билан келишиб, сўнг чиқарадиган нашриётлар саноқли. Муҳими, улар муаллифнинг ҳам фикрини инобатга олишади.

Ахир, китоб миллат маънавияти билан боғлиқ ҳодиса. Унга хиёнатни эса маънавиятга хиёнат деб баҳолаш зарур. Бу борада эса мақола муаллифининг фикрларига қўшиламан: бундай ҳолатларга жиноий жавобгарлик белгиланиб, маънавий санкциялар қўлланилиб, таъсир чораси кўрилмаса, қош қўйиш ўрнига «кўз чиқариш» янада кўпаяверади...



**Икромжон АСЛИЙ,**
шоир



Очиқчасига гаплашайлик




### Тадбирдан гапирамиз:

# ШАФФОФЛИК БЎЛМАС ЭКАН, ГУМОНЛАР КЎПАЯВЕРАДИ

## *ёхуд мутасаддилар саволларга жавоб беролмадими ёки хоҳлашмадими?*

**Яқинда ижтимоий тармоқларда «Ўзстандарт» агентлиги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган газбетон маҳсулотларининг сифатини текшириш давомида 11 та ташкилотнинг газбетон маҳсулотини амалдаги стандарт талабларига жавоб бермайди, дея баёнот бергани кенг муҳокамага сабаб бўлган эди.**

Шундан сўнг кўпчиликда ушбу қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қандай чоралар кўрилди, сифатсиз маҳсулотларнинг кейинги тақдири нима бўлди, деган саволлар пайдо бўлди.

Аммо бу саволларга ҳеч ким атрофлича изоҳ бермади.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзстандарт» агентлиги мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда соҳа вакилларига ушбу саволни қайтадан беришга тўғри келди.

Аммо жавоб яна умумий – масъулият сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчининг зиммасида, ундан кейинги ишга биз аралашмаймиз, борди-ю маҳсулот қайсидир қурилиш объектига етказилган бўлса, тадбиркор кўрилган зарарни тўлашга мажбур.

Яна бир оғриқли савол: охирги вақтларда аҳолининг газ ва электр ҳисоблагичлардан шикояти кўпайиб кетди. Яъни, янги ўрнатилган ҳисоблагичлар аввалгисига нисбатан кўп ҳисобламоқда.

Бу гапда жон бордек. Ўзимдан қиёс: хонадонимга янги ҳисоблагич қўйилгач, ойлик тўловим қарийб икки баробарга етди. Авваллари электр энергияси учун бир ойда тахминан 90-100 минг сарфлаган бўлсак, айни пайтда бу кўрсаткич 180-200 минг атрофида.

Хўш, бу масалага «Ўзстандарт» мутахассислари нима деркин?

Таассуфки, бу саволимизга ҳам тайинли жавоб ололмадик. Бу бўйича агентлик қошидаги махсус бўлим шуғулланиши, бироқ улар бугун тадбирда иштирок этмаётгани боис, саволга тадбирдан сўнг жавоб берадиган бўлишди...

Баъзи бир маълумотларни, айниқса, агентликда амалга оширилаётган «кенг кўламли ислоҳотлар»ни оғзидан бол томиб мақтайдиган мутасаддиларнинг мазкур саволларга ҳар хил баҳоналар билан жавоб бермагани эса...

***Очиғи, нима дейишга ҳам ҳайронсиз... Мутасаддилар билан юзма-юз ҳолатда журналист ололмаган жавобни аҳоли қандай олсин? Айтмоқчи бўлганимиз шуки, шаффофлик бўлмас экан, шубҳа-ю гумонлар кўпаяверади. Дарвоқе, мутасаддилар яна шуни билиб қўйсинларки, номига ва фақат мақтов ҳисоботлари учун тадбир ўтказишнинг даври ўтган.***

**Абдулла АҲМЕДОВ**

Эҳтиёт шарт!

**Яхши ниятда уй қурамиз. Унинг кўркам ва шинам бўлиши учун жон куйдирамиз, жиҳозлаймиз. Аммо биргина эҳтиётсизлик оқибатида уларнинг барчаси ҳавога учиб кетиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаймиз.**

# ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗ ЙЎРИҒИ БОР

Гап шундаки, озгина беparволик, эҳтиётсизлик ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Дейлик, газни ўтказишда резина шланглардан фойдаланилди. Қулайлик ва осон йўл тутилган шу ҳолда ёнғин чиқиши бир неча баробарга ортади. Яъни резина шланглар тез ёрилиши, емирилиши, узилиши сабабли ундан газнинг сизиб чиқиш ҳолати пайдо бўлади. Хонада газ ҳидини билмай гугурт чақилиши ёки бошқа учқун чиқувчи воситалардан фойдаланиш оқибатида ёнғин содир бўлиши мумкин.

Ташкилот ёки хонадон бўладими, ишлаб чиқариш объекти бўладими, қаердаки, табиий газдан нотўғри фойдаланиш, техник талабга жавоб бермайдиган газ ускуналарини қўллаш ҳолатларига йўл қўйилар экан, ўша жойга ёнғин хавф солиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, қоидабузарликларга қарши курашда жамоатчиликнинг масъулиятини янада оширмоғимиз керак.

**Ағзам ҲУСАНОВ,**
**Миробод тумани ФВБ ПваНБ инспектори, катта сержант**

*Тошкент шаҳри*

Дилдаги гаплар

# Шогирд – устознинг юзи...

**Туманимиздаги рус тилига ихтисослаштирилган таянч мактабида бир тақдимотда иштирок этдим. Тадбирда ўқувчиларни иқтидорига қараб фан ва ижодий тўгаракларга жалб этиш ҳақида сўз юритилди. Тақдимот давомида мен 19 йилдан буён фаолият олиб бораётган Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактабнинг иш тажрибаси намуна сифатида тилга олинди. Бу эътироф менда ўқитувчилик касбимдан фахрланиш билан бирга, зиммамда катта масъулият турганини яна бир бор ёдга солди.**

Мактабларда сўнгги йилларда яратилаётган қулай имкониятлар, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллаб, ўзлари қизиққан касб эгалари бўлиб етишиши учун мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда.

Янгидан таъмирдан чиқарилган синф хонаси, смарт доска, сўнгги русумдаги компьютер технологиялари, проектор, болалар тафаккурини бойитишга мўлжалланган энг ёрқин нашрдаги ранг-баранг асарлар... Буларнинг барчаси бугун мактабларимизда мавжуд. Эндиликда ўқувчилар дунёқарашида янгича тафаккурни шакллантириб, бор илмий салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур.

Мактабимизда хорижий тилларни ўрганиб келажакда олий ўқув юртларига ўқишга киришни орзу қилаётган ёшларимиз жуда кўп. Шунинг учун улар билан дарсдан ташқари ўтказиладиган фан тўгаракларида дўстона суҳбатлашишни ёқтираман.

Фикримча, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида устоз-шогирдлик аъаналарини тиклаш зарур. Шундай муҳит пайдо бўлиши керакки, ўқувчингиз, ҳатто ота-онасидан сир тутган муаммоларини сизга очиқ айта олсин. Ўқитувчисига ишонсин.

Мен машғулот ўтказаётган рус тили фан тўгарагимда шу аснода интерфаол дарслар йўлга қўйилган



бўлиб, ўқувчиларим рус тили ва маданиятини чуқур ўргатиш баробарида қардош халқлар маданиятини ҳам қадрлаш руҳида зарур кўникмаларни ҳосил қилмоқда.

Бир ҳикматни асло унутмаслигимиз керак: шогирд устознинг юзидир. Кўзгуда ўз аксимизни кўришни истасак, ёшларнинг қўлидан тутиб, уларга чинакам устозлик қила олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Муқаддас АКБАРОВА,**
Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактаб ўқитувчиси

Эълон

## Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси лавозимига малакали мутахассисларни ишга таклиф қилади.

Номзодлар танлов асосида қабул қилинади.

**Номзодларга қўйиладиган талаблар**: Ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий юридик маълумотли, қоида тариқасида камида 3 йил судья (прокурор, адвокат) бўлиб ишлаган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ борасида юқори малакага эга шахс қатнашиши мумкин.

**Ўқитувчилик лавозими учун танлов икки босқичли синовдан иборат.**

Синовнинг биринчи босқичида танлов қатнашчилари тест синовларидан ўтказилади. Тест синовларида энг юқори баллнинг камида учдан бирини олган шахслар танловнинг кейинги босқичи – синов лекциялари (очиқ машғулотлар) ўтказишда қатнашадилар.

Тест синовлари ва синов лекциялари (очиқ машғулотлар) тегишлича 4/6 (40 балл/60 балл) нисбатида баҳоланади.

**Эслатма:** Синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак.

**Танловда иштирок этиш истагини билдирган барча номзодлар Судьялар олий мактабининг sudyalaroliymaktabi@umail.uz электрон почтасига ёхуд Судьялар олий мактабига (100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй) қуйидаги ҳужжатларни юборишлари сўралади:**

– ариза (яшаш манзили ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда);
– маълумотнома (объективка);
– диплом нусхаси;
– паспорт нусхаси;
– меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
– бошқа ҳужжатлар (сертификат, тавсифнома ва ҳ.к.).

**Аризалар 2021 йил 30 апрель кунига қадар қабул қилинади.**

**Мурожаат учун тел.**: 97-715-68-84

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

Қудратилла РАФИҚОВ *(таҳрир ҳайъати раиси)*,
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*,
Темур МАМАЖОНОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича)*,
Меҳриддин ШУКУРОВ *(Масъул котиб – «Ishonch»)*,
Валентина МАРЦЕНЯК *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** — (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти** — (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳриҳрият нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
А.Абдураҳмонов

**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:30**
Топширилди – **23:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 406.** **30379** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130